

Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш

33 -маъруза

Трансчегаравий дарёлар ва уларнинг сувлариidan ҳамкорликда фойдаланиш

Маматов Собитжон Алижонович,

“Экология ва сув ресурсларини бошқариш”
кафедрасининг катта ўқитувчиси

Трансчегаравийлик хусусияти

- ✓ Трансчегаравий сувлар - икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегараларда жойлашган ҳар қандай ер усти ёки ер ости сувлариidir.
- ✓ Трансчегаравий сув объектлари - икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегараларда жойлашган сув объектлари.
- ✓ Жаҳонда икки ёки бир неча давлатлар ўртасида умумий фойдаланиладиган 263 трансчегаравий дарё ҳавзалари мавжуд.
- ✓ Жаҳон аҳолиси 40 фоизининг ҳаётий манфаатлари трансчегаравий дарё ҳавзалари билан боғлиқ.

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ДАРЁЛАР КҮЛАМИ

Дунёдаги чучук сувларнинг тахминан **60** фоизи трансчегаравий дарёларнинг сув захираларига тўғри келади.

БМТ сув масалалари бўйича Комиссиясининг маълумотларига кўра ҳозирги кунда дунёда:

- ✓ иккита давлат ҳудудидан оқиб ўтадиган **170** дарё;
- ✓ учта давлат ҳудудидан оқиб ўтадиган **31** дарё;
- ✓ тўрт ва ундан ортиқ давлатлар ҳудудидан оқиб ўтадиган **62** дарё мавжуд.

ЙИРИК ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ДАРЁЛАР

Дунёда узунлиги 1000 км дан ошиқ бўлган 79 трансчегаравий дарёлар мавжуд.

Энг машҳурлари ёки эътиборга моликлари:

- ✓ Нил, Дунай дарёлари 10 дан ортиқ давлатлар ҳудудларини кесиб ўтади;
- ✓ Конго, Нигер, Замбези дарёлари 8 ва ундан ортиқ давлатлар ҳудудида жойлашган;
- ✓ Амударё дарёси 5 давлат, Сирдарё дарёси 4 давлат ҳудудида жойлашган

АМАЗОНКА дарёси




Амазонка
дарёси
7 та давлат
худудидан
оқиб үтади.




ДУНАЙ ДАРЁСИ

Дунай дарёси 10 та давлатлар (Германия, Австрия, Словакия, Венгрия, Хорватия, Сербия, Болгария, Черногория, Румыния, Молдавия ва Украина) чегараларидан оқиб ўтади.



НИЛ ДАРЁСИ

Нил дарёси 11 та давлатлар (Миср, Судан, Жанубий Судан, Эфиопия, Эритрея, Танзания, Уганда, Руанда, Бурунди, Кения, Конго) чегараларидан оқиб үтади.



ЗАМБЕЗИ ДАРЁСИ

Замбези дарёси 8 та давлатлар (Замбия, Ангола, Зимбабве, Мозамбик, Малави, Танзания, Намибия, Ботсвана) чегараларидан оқиб үтади.



КОЛОРАДО ДАРЁСИ

Колорадо дарёси 2 та давлат (АҚШ, Мексика) чегарасидан оқиб үтади.



ДАЖЛА ВА ФРОТ ДАРЁЛАРИ

Дажла ва Фрот дарёлари 4 та давлат (Турция, Ирак, Сурия, Эрон) чегараларидан оқиб үтади.




Фрот дарёси



Дажла дарёси

ИОРДАН ДАРЁСИ

Иордан дарёси 4 та давлатлар (Сурия, Иордания, Ливан, Исроил) чегараларидан оқиб үтади.



ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ХАМКОРЛИКДА ФОЙДАЛАНИШ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРЛАРНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

- ✓ халқаро сув хавзасининг сувларидан адолатли ва оқиллик билан фойдаланиш;
- ✓ сув ҳавзасида жойлашган бошқа давлатларга катта зиён етказмаслик.

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БҮЙИЧА МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

асосийлари

1. умумий тартибни белгиловчи конвенциялар;
2. ҳавзалар тизимидағи шартномалар;
3. сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва үларни муҳофаза қилиш бүйича келишувлар;
4. икки томонлама келишувлар.

1) УМУМИЙ ТАРТИБНИ БЕЛГИЛОВЧИ КОНВЕНЦИЯЛАР ВА ДИРЕКТИВАЛАР

1. БМТининг “Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш ҳуқуқи түғрисидаги Конвенция”си (1997й);
2. БМТ Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) нинг “Трансчегарвий сув ҳавзалари ва халқаро кўллардан фойдаланиш түғрисида”ги конвенцияси (Хельсинки, 17.03.1992 й);
3. “Сув манбалари бўйича” Берлин қоидалари (2004 й), “Гидроэнергетика ва изчил тараққиёт бўйича” Пекин декларацияси (Пекин 29.10.2004 й.);
4. “Ер ости сувлари бўйича” ЕИ Директиваси (12.12.2006 й) ва бошқалар.

Трансчегаравий сув ресурслариға оид БМТ конвенциялари

Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро күлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тұғрисидаги Конвенция, Хельсинки, 17.03.1992 й.

Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш ҳуқуқлари тұғрисидаги Конвенция, Нью-Йорк, 21.05.1997 й.

Конвенцияларнинг асосий принциплари

- Барча давлатларнинг манбаатларини бирдек ҳисобга олиш;
- Сув ресурсларидан адолатли ва оқилона фойдаланиш;
- Құшни давлатларга “зарар етказмаслик” лозим

2) ҲАВЗАЛАР ТИЗИМИДАГИ ШАРТНОМАЛар

1. 1960 йилда имзоланган “Хинд дарёси сувлари тұғрисида” Келишув;
2. Дунай дарёсіни мұхофаза қилиш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича 1948 йилда имзоланган Конвенция;
3. Меконг дарёсіни барқарор ривожлантириш бўйича 1995 йилда имзоланган Келишув;
4. Рейн дарёсіни мұхофаза қилиш бўйича 1998 йилдаги Конвенция;
5. Нил дарёси бўйича 1999 йилда имзоланган Келишув ва бошқалар.

3) СУВ МАНБАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ БҮЙИЧА КЕЛИШУВЛАР

- ✓ Ҳиндистон ва Бангладеш давлатлари ўртасидаги 1996 йилда имзоланган Қелишув;
- ✓ 1992 йил 18 февралда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон Респубубликалари ўртасида имзоланган “Сув манбаларидан фойдаланиши бошқариш ва уларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Битим.

4) ИККИ ТОМОНЛАМА КЕЛИШУВЛАР

- ✓ 1953 йилда Сурия ва Иордания ўртасида Ярмук дарёсидан фойдаланиш бўйича Шартнома;
- ✓ 1998 йилда Испания ва Португалия ўртасида имзоланган Альбуфейра Конвенцияси;
- ✓ 2001 йилда Хитой ва Қозоғистон ҳукуматлари ўртасида имзоланган “Трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги шартнома.

Орол денгизи ҳавзаси мінтақаси



Орол денгизи ҳавзаси дарёлари сув оқимларини ҳавза мамлакатларида шаклланиши, км³/йил, ДСХМК ИАМ

Мамлакат	Дарё ҳавзаси		Орол денгизи ҳавзаси
	Сирдарё	Амударё	
Қозоғистон	2,4	0	2,4
Қирғизистон	27,6	1,6	29,2
Тожикистон	1,0	49,6	50,6
Туркманистон	0	1,5	1,5
Ўзбекистон	6,7	4,9	11,5
Афғонистон ва Эрон	0	21,6	21,6
Жами ОДҲ бўйича	37,7	79,2	116,8

Орол денгизи ҳавзаси дарёлари сув оқимларини ҳавза мамлакатларида шаклланиши, %

Мамлакат	Дарё ҳавзаси		Орол денгизи ҳавзаси
	Сирдарё	Амударё	
Қозоғистон	6	0	2
Қирғизистон	73	2	25
Тожикистон	3	63	43
Туркманистон	0	2	1
Ўзбекистон	18	6	10
Афғонистон ва Эрон	0	27	18
Жами ОДҲ бўйича	100	100	100

Ўзбекистоннинг миллий ер усти сув ресурслари

Дарё ҳавзаси	Ўртacha кўп йиллик оқим, км ³
Амударё ҳавзаси	4,82
Сурхондарё	3,25
Қашқадарё	1,06
Зарафшон	0,51
Сирдарё ҳавзаси	6,65
Фарғона водийси дарёлари	1,50
Ўрта оқим дарёлари	0,36
Чирчик, Оҳангарон	4,79
Жами:	11,47

Ўзбекистоннинг фойдаланиши учун ажратилган улуш

Сирдарё (1983) ва Амударё (1984) дарёлари ҳавзалари
сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш Бош
схемалари бўйича

Дарё ҳавзаси	Ўзан	Ирмоқлар	Жами	Ер ости сувлари	Зовур сувлари	Жами
Сирдарё	10,49	9,2	19,69	1,59	4,21	25,49
Амударё	26,92	6,98	33,9	1,00	2,63	37,53
Жами	37,41	16,18	53,59	2,59	6,84	63,02

Минтақа сув ресурслари ва уларнинг давлатлар ўртасида тақсимланиши

км³/йил


Давлатлар	Жами	шу жумладан,	
		Сирдарё	Амударё
Ўзбекистон	56,19	17,28	38,91
Қирғизистон	4,41	4,03	0,38
Қозоғистон	12,29	12,29	
Тожикистон	12,34	2,46	9,88
Туркманистон	21,73		21,73
Афғонистон	7,44		7,44
Жами	114,4	36,06	78,34

Минтақа сув ресурслари ва уларнинг давлатлар ўртасида тақсимланиши

Давлатлар	Жами	шу жумладан,	
		Сирдарё	Амударё
Ўзбекистон	49,1	47,9	49,7
Қирғизистон	3,9	11,2	0,5
Қозоғистон	10,7	34,1	
Тожикистон	10,8	6,8	12,6
Туркманистон	19,0		27,7
Афғонистон	6,5		9,5
Жами	100	100	100

Ўзбекистонда ишлатиладиган сув ресурсларининг шаклланиши

Ўзбекистонда шаклланади



Тожикистон ва Қирғизистонда шаклланади


Ўзбекистонда ишлатиладиган жами сув ресурсларининг 90 % и қишлоқ хўжалигида ишлатилади !

Орол денгизи ҳавзасида трансчегаравий сув муносабатларини мувофиқлаштириш

- Орол денгизи ҳавзасидаги Марказий Осиёning беш давлати сув хўжалиги вазирлари 1992 йил 18 февралда Олмата шаҳрида “Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон ўртасида давлатлараро сув манбалари сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисида Келишув”ни имзоладилар.
- Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссиясини (ДМСХК) туздилар ва унинг иккита органи - “Амударё” ва “Сирдарё” ҳавза сув хўжалиги бирлашмаларини ташкил этиш бўйича келишиб олдилар.

Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг таркибий тузилмаси

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ
ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҲАЗЗАСИ МУАММОЛАРИ БЎЙИЧА
КЕНГАШИ



Орол днгизи ҳавзаси трансчегаравий сув ресурсларидан давлатлараро фойдаланишни мувофиқлаштирувчи ҳужжатлар

- Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон Республикалари ва Туркманистон ўртасида “Давлатлараро манбалардаги сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни бошқаришда ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги Битим (Олма-Ота, 1992 йил 18 февраль);
- Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари Ҳукуматлари ўртасида “Сирдарё дарёси ҳавза сув-энергетика ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Битим (Бишкек, 1998 йил 17 март);
- Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон Республикалари ва Туркманистон Ҳукуматлари ўртасида “Оролни қутқариш Халқаро фондини (ОҚХФ) ташкил этиш ва унинг мақоми тўғрисида”ги Битим (Тошкент, 1997 йил 29 май).

Ўзбекистон трансчегаравий сувлардан ҳамкорликда фойдаланиш йўналишидаги халқаро Конвенциялар аъзоси

- ✓ БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси томонидан 1992 йилда қабул қилинган «Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Конвенцияси»;
 - ✓ БМТ доирасида 1997 йилда қабул қилинган «Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция».
- Ўзбекистон ўз фаолиятида халқаро тенг ҳуқуқлилик тамойилларига амал қилган ҳолда 2007 йилда Конвенцияларга аъзо бўлди.

Марказий Осиёда трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш

Орол денгизи ҳавзаси давлатлари ўртасида трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш минтақадаги **барча давлатлар ўртасидаги келишув** асосида амалга оширилади.

Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси аъзолари - давлатлар сув хўжалиги соҳаси раҳбарлари ҳар йили мавжуд сув ресурсларидан ҳар бир давлатнинг улушини (лимитни) белгилайдилар.

Давлатлар келишилган лимит асосида сув оладилар.



Ўзбекистон халқаро шартномалариға тұлиқ амал қилади

- Ўзбекистон Республикасининг ва Орол денгизи ҳавзасидаги бошқа давлатларнинг ҳудудида жойлашган трансчегаравий сув объектларидан (Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари, Орол денгизи ва бошқа) фойдаланишни тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалариға мувофиқ амалга оширилади (Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тұғрисида"ги Қонуни 83-модда).

Трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишдаги минтақавий мұаммолар

- ✓ Орол деңгизи минтақаси дарёларининг юқори оқимида жойлашған давлатларнинг охирги йиллардаги сув сиёсати дарёлар сув оқимини жиддий үзгаришларига сабаб бўлди. Натижада қишлоғи даврида оқим бўйлаб пастда жойлашған мамлакатимизнинг айрим ҳудудларини сув босиши юзага келган бўлса, суғориладиган майдонларида ёз мавсумида сув тақчиллиги юз бера бошлади.
- ✓ Бунга юқорида жойлашған Тўқтоғул, Нурек, Қайроқум каби сув омборларини ирригация режимидан энергетика режимига ўтказилғанлиги сабаб бўлмоқда.

Трансчегаравий сув объектларидан фойдаланишда юзага келаётган муаммолар

сабаблари:

- Сув ресурслари ва уларнинг оқимидан фойдаланишда қуида жойлашган давлатлар талабларини инобатга олинмаслиги натижасида томонлар манфаатларининг мос тушмаслиги.
- Давлатлараро сув тақсимлашда юзага келаётган муммолар (сув оқимини сув истъемолига мос келмаслиги).
- Трансчегаравий сув объектларидағи сув олиш, сув тақсимлаш ва сув етказиб бериш иншоотларини қўшни ҳудудларда қолиб кетганлиги.


Трансчегаравий сувларни ўз манфаатлари йўлида бошқариш

- ✓ Қирғизистон Тўқтоғул сув омборини ирригация режимидан энергетик режимга ўтказиб олди.
Қирғизистон энергетик режимда ишлайдиган Қамбарота сув омборларини қуришга тушди.
- ✓ Тоҷикистон Қайроқум сув омборини ирригация режимидан энергетика режимига ўтказиб олди.
Тоҷикистон Амударё дарёси ҳавзасида энергетик режимда ишлайдиган Роғун сув омборини барпо қилмоқда.

Нурек сув омбори

Жойлашган ўрни	-	Вахш дарёси (Амударё)
Умумий сув ҳажми	-	10,5 млрд.м3
Фойдали ҳажми	-	4,54 млрд.м3
Тўғон баландлиги	-	300 метр

Нурек сув омборининг ёз давридаги ишлаш режими




Қайроқум сув омборини энергетик режимга ўтказилиши

- Қайроқум сув омбори Сирдарё дарёси оқимини мавсумий ростлаш асосида ирригация мақсадлариға сув етказиб бериш учун мұлжалланган.
- Тұла сув сиғими 4,2 млрд.м³;
- Ҳақиқий сув саклаш имконияти - 3,85 млрд.м³;
- Сув тақсимоти ДСХМК (МКВК) келишувига асосан тақсимланиши күзда тутилған.
- Сув омборини Тожикистан Республикаси томонидан энергетик режимда ишлатилиши Ўзбекистоннинг Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳамда Қозоғистоннинг жанубидаги суғориладиган майдонларни вегетация даврида сув билан таъминланишини буткул издан чиқармоқда.

Трансчегаравий Норин дарёсидаги Түқтоғул сув омбори

Жойлашган ўрни	-	Норин дарёси (Сирдарё)
Умумий сув ҳажми	-	19,5 млрд.м³
Фойдали ҳажми	-	14,5 млрд.м³
Түғон баландлиги	-	215 метр


Түқтоғул сув омборининг ёз давридаги ишлаш режими



Түқтоғул сув омборига сув келиши ва сув чиқиши ҳолати

Күрсаткичлар	км ³	1985 -1991		1994 -2015	
		қиш	ёз	қиш	ёз
Сув омборига сув келиши	км ³	2,77	9,29	3,21	10,23
	%	23	77	24	76
Сув омборидан сув чиқарилиши	км ³	3,53	7,93	8,50	5,44
	%	31	69	61	39

Түқтөғул сув омборига сув келиши ва сув чиқиши ҳолати



Дарё сувларидан гидроэнергетик мақсадда фойдаланишга ҳаракатлар

Рогун ГЭС (сув омбори)

Жойлашган ўрни	-	Вахш дарёси (Амударё)
Умумий сув ҳажми	-	13,3 млрд.м3
Фойдали ҳажми	-	8,6 млрд.м3
Тўғон баландлиги	-	335 метр
Бошланғич сув йиғиш давомийлиги	-	6-8 йил

Қамбарота 1-ГЭСи



Қамбарота 1-ГЭС сув омбори

Жойлашган ўрни	-	Норин дарёси (Сирдарё)
Умумий сув ҳажми	-	4,65 млрд.м³
Фойдали ҳажми	-	3,43 млрд.м³
Түғон баландлиги	-	235 метр

Сув омборларини энергетик режимда ишлашининг салбий оқибатлари

- Сув балансининг бузилиши
- Ёзги суғориш мавсумида сув танқислигини юзага келиши
- Каналлар ва үлардаги гидротехник иншоотлар техник ҳолатининг ёмонлашуви
- Сувдан фойдаланиш самарадорлигининг пасайиши
- Сув йўқолишининг кўпайиши

Энг асосий оқибатлар

ҚИШ
ойларида
сув босиши



ЁЗ ОЙЛАРИДА
СУВ
ЕТМАСЛИГИ



Трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда самарали фойдаланиш учун

- ✓ ўзаро самарали ҳамкорликни босқичма-босқич йўлга қўйилишини таъминловчи тузилма бўлиши лозим;
- ✓ манфаатдор томонлар тўлиқ ишонадиган ва зарур миқдордаги маблағларга эга бўлган учинчи томон бўлиши лозим.

Ҳавза ҳудудига кирувчи давлатларга талаблар

- ✓ давлатлараро сув оқимлари бўйича халқаро конвенциялар ва ҳужжатларга қўшилиши;
- ✓ халқаро конвенциялар доирасида қабул қилинган мажбуриятларга қатъий риоя қилиши,
- ✓ сув оқимларини давлатлараро тақсимлашнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилиши лозим.

Трансчегаравий сув ресурсларини оқилона бошқариш

- ✓ барча сув манбаларини ҳисобга олиш;
- ✓ иқтисодиёт барча соҳаларининг сувга бўлган талабларини мувофиқлаштирилган тарзда ҳисобга олиш;
- ✓ сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланишни гидрографик метод асосида ташкил қилиш;
- ✓ сув ресурсларини адолатли тақсимлаш;
- ✓ сув ресурсларини бошқарувига сув истемолчиларининг барча гуруҳларини жалб қилиш.